

УДК 72.03.5

**ҚАДИМГИ ХОРАЗМ ҲАРБИЙ АРХИТЕКТУРАСИГА ОИД ҚАЛЪА  
ДЕВОРИ**

**(МИЛ. АВ. I – МИЛОДИЙ I АСРЛАР)**

**КРЕПОСТНАЯ СТЕНА ДРЕВНЕГО ХОРЕЗМСКОГО ВОЕННОГО  
ЗОДЧЕСТВА**

**(1 ДО Н.Э. - 1 ВВ. Н.Э.)**

**FORTRESS WALL OF ANCIENT KHOREZM MILITARY ARCHITECTURE  
(1ST BC - 1ST CENTURIES AD)**

**Убайдуллахўжаев Саидазизхўжа Ўткур ўғли.**

*Тошкент халқаро молиявий бошқарув ва технолагиялар университети. катта  
ўқитувчиси*

*Тошкент архитектура қурилиш университети. мустақил изланувчиси*

**Аннотация:** *Мудофаа иншоотлари жамият урбанизациялашуви жараёнининг белгиловчи омилларидан бири бўлган. Шу боис мудофаа иншоотларини ва уларнинг ривожланиш динамикасини тадқиқ этиш билан боғлиқ масалаларнинг ҳал этилиши долзарб муаммолар жумласига киради.*

**Аннотация:** *Оборонительные сооружения были одним из определяющих факторов в процессе урбанизации общества. Поэтому решение вопросов, связанных с исследованием оборонных сооружений и динамикой их развития, входит в перечень насущных проблем.*

**Annotation:** *Defensive structures were one of the determining factors in the process of urbanization of society. Therefore, the solution of issues related to the study of defense structures and the dynamics of their development is included in the list of pressing problems.*

**Калит сўзи:** *Соғ тупроқ, Таъмирланаётган девор, таъмирлаш лойиҳаси, ёдгорлик, Лой қаришмаси, Хом гишт.*

**Ключевое слово:** *Суглинок, ремонтируемая стена, ремонтный проект, резервуар, глиняная кладка, кирпич.*

**Keyword:** *Loam, repaired wall, repair project, reservoir, clay masonry, brick*

**АСОСИЙ ҚИСМ**

Қадимги Хоразмнинг муайян даври ҳарбий архитектурасида тарх масаласида ёндашув бир хилда бўлганини кўриш мумкин. Қалъа иншоотлари замон талабларидан ҳамда ижтимоий-сиёсий вазиятдан келиб чиқиб қурилган. Давр хусусияти бошқа ҳар қандай турдаги объектларга қараганда уларда кўпроқ акс этган. Бу табиий, акс ҳолда улар ўз функциясини бажара олмаган бўларди. Истеҳкомлар кўпинча амалий талабларгагина эмас, балки жой рельефига ҳам боғлиқ бўлганлиги аёнدير.

Хоразмнинг илк истехкомлари (Кўзалиқир, Қанҳақалъа 2 ва бошқалар) сингари, Марказий Осиё бошқа минтақаларидаги истехкомлар (Афросиёб, Ерқўрғон, Эркқалъа ва б.) ҳам нотўғри шаклда қурилган. Бундай анъана кўчманчилар муҳитида ҳам (Чирик Работ ва б.) қайд этилган.

Мил. авв. V—IV асрлар бўсағасида қадимги Хоразм давлати шаклланди, ўзига хос «урбанизацион портлаш» содир бўлди, шаҳар марказларининг бутун бир туркуми юзага келди. Сарҳадларда чегара қалъалари тизими ва узун деворлар барпо этилди. Кўчманчилар Хоразм чегараларидан, эски қишлоқ жойларидан суриб чиқарилди. Лекин бу кўчманчилар билан уруш муносабатларида бўлинди, дегани эмас.(1) Ўтроқ деҳқонлар ва шаҳар аҳолисининг кўчманчилар билан ўзаро муносабатлари икки хил кўринишда бўлди. Улар дам чорвачилик хўжалиги маҳсулотларини тинч айирбошлашган бўлишса, дам уруш ҳолатида бўлишган. Даштликлар талон-тороқ қилиш мақсадида шаҳарларга кўккидан ҳужум қилиб туришган (Путаченкова, 1958, 43-бет).

Агар Қўрғошинқалъа минтақасидаги қалъаларда олиб борилган тадқиқотлардан воҳа муҳофаази ташкил қилинганлиги аниқланган бўлса, уларнинг истехкомлари ва манзилгоҳлари тинч алоқалар ривож топганидан далолат беради. Хоразмнинг шимоли-ғарбий чеккасида жойлашган археологик ёдгорликлар — Катта Айбуйирқалъа ва Девкесганқалъалар фақат истехком бўлмай, балки ҳунармандчилик ва савдо пунктлари ҳам бўлганлиги аниқланган. Истехкомлар тўғри геометрик шакл касб эта бошлаган. Хоразм меъморлари деворларни янада жадаллик билан тўғри чизикда ҳамда аниқ кўринишда барпо эта бошлайдилар.(2) Буржлар шакли ҳам аниқлик касб эта бошлайди. Қалъа деворларида икки қаватли отиш йўлаклари, устига парапет билан ҳимояланган валганг қилинган. Ичида жанговар йўлаклари бўлган деворлар ривожланиб, бутун антик давр мобайнида муҳофаа тизимининг зарурий қисмини ташкил этган. Сақланиб қолган материаллар гувоҳлик беришича, отиш йўлакларининг устки ва остки қаватлари орасида зинапоялар бўлган (Қўйқирилганқалъа, Капарас, Тупроққалъа ва бошқалар). Бу даврда қалъа деворларини буржларсиз, бутун девор бўйлаб қўйилган шинакларнинг мураккаб тизимига асосланган ҳолда муҳофаа қилиш (Жонбосқалъа, Катта Айбуйирқалъа, Кичик Қирққизқалъа, Қалъажик, эҳтимол, Оқчагелин ҳам) Хоразм муҳофаа иншоотларининг муҳим хусусиятларидан эди.(3)

Мил. I—IV асрларда ҳарбий архитектурада қадимги Хоразмнинг илк антик даврдаги муҳофаа тизими усул ҳамда элементлари қўлланишда давом этди. Майдони катта бўлмаган истехкомларнинг кўплаб вужудга келишини бу пайтдаги ҳарбий меъморчиликнинг ўзига хос хусусиятларидан, деб ҳисоблаш мумкин-ки, илгари бу нарса Хоразмда кенг тарқалмаганди. Хоразмликларнинг ҳарбий иши ҳақида бактрияликлар, суғдлар ёки парфияликларникига нисбатан кам нарса маълум. Бироқ хоразмликларнинг ҳарбий салоҳияти юқори бўлган, деб тахмин қилиш мумкин. Бактрияликлар, суғдлар, парфияликлар қўллаган қуроли техника турлари ва ҳимоя совутиларини хоразмликлар ҳам қўллашган. Улар ўз қуроллари, жумладан,

мураккаб таркибли камон, қилич ва бошқаларни ишлаб чиқарган бўлишлари ҳам истисно эмас. Мудофаа иншоотлари конструкциялари ҳамда шакллари ривожланиши қурол-аслаҳа ва ҳарбий техника ривожланиши билан бевосита боғлиқ. Бизнингча, бу қадимги Хоразмнинг кўп босқичли мудофаа тизимида аниқ ифодасини тошган. Хоразм мудофаа тизимини тўрт гуруҳга бўлиш мумкин:

Биринчиси — қалъа девори бир қават ва хандакли истехкомлар (Оқчагелин, эҳтимол, Катта Айбуйирқалъа, Оқчунгул ва бошқалар);

Иккинчиси — девор оралиғида йўлак бўлган ва хандакли истехкомлар (Аёзқалъа 3, Капарас, Военган ва бошқалар);

Учинчиси — отиш йўлаги, протейхизма ва хандақ бўлган истехкомлар (Катта Қирққизқалъа, Қўрғошинқалъа, Хивадаги Эшонқалъа, Қазорасп, Шовотдаги Тупроққалъа, Хивадаги Тупроққалъа, Қалъажик, Анқақалъа ва бошқалар);

Тўртинчиси — қўрғони, отиш йўлаги бўлган девори, протейхизма ва хандақ бўлган истехком (Оқшахонқалъа, Тупроққалъа ва бошқалар).

Диссертация мавзу доирасида қадимги Хоразм давлат ҳудудида жойлашган бир қанча тарихий объектларни ўрганиб чиқиш натижасида ҳамда турли хил манбалар ва тадқиқотчи археологлар фикрини ўқиб ўрганиш натижасида қадимги Хоразм яни Қорақолпоғистон Республикаси ҳудудида жойлашган бўлиб ўрганишлар тадқиқотлар асосан археологлар томонидан ва архитектурада кам фикир мулоҳазалар камлиги, архитектуранинг ҳарбий қисми кам ўрганилгани маълум бўлди.(4) Хоразм экспедициясининг С.П. Толстов, Я.Ғ. Ғуломов ва Е.А. Пол- яковдан иборат таркибдаги қидириш гуруҳи 1938 йилда ишни давом эттирган. Антик ёдгорликлардан Қўйқирилганқалъа, Қўрғошинқалъа, Бозорқалъа, Жонбосқалъа, Қизилқалъа, Тупроққалъа, Катта ва Кичик Қирққиз, Анқақалъа, Қўзиқирилганқалъа текширилган. (Вактурская, Воробьева, 1952, 615—616-бетлар). Бу иш натижасида мил. авв. IV аср — мил. IV аср ёдгорликлари катта мажмуи ва уларнинг санаси аниқроқ белгиланган (Толстов, 1939, 172—199-бетлар).

## ХУЛОСА

С.П. Толстов томонидан яна бир илмий фараз илгари суради, унинг тахмини бўйича марказлашган катта бир Хоразм пойтахти сифатида яна бир шаҳар бўлганлиги у тахминан Туркменистон ҳудудида жойлашган Шохсанам тарихий шаҳрига ўхшаш, унга нисбатан 2-3 маротаба каттароқ шаҳар бўлганлигини фараз қилади. (Древний Хорезм Москва-1948)

С.Ў. Убайдуллаҳўжаев илмий раҳбар архитектура фанлари номзоди, доцент Ш.С. Рейимбаев билан археолог С.П. Толстов фарази асосида “мил. ав. I милодий I асрлардаги қадимги Хоразм”нинг марказий шаҳар ҳудудини, бир қанча (Тупроққалъа, Аяз қалъа ва Қизил қалъа) тарихий, қалъа иншоотлари устида комплекс тадқиқот доирасида ўрганиб, турли хил манбалар ва тадқиқотчи археологлар фикрлари натижасида қадимги ҳудуддаги кўп босқичли мудофаа тизимларини тўлиқ қамраб олган график таклиф лойиҳасини ишлаб чиқилди.

Ушбу харитада кўрсатилган

қаблаларнинг марказида

С.У.Убайдуллаҳжаев муаллифлигида

С.П.Толстов фарази асосида

мил. ав. I – милодий I асрларда

Қадимги Хоразмни қайта лойихалади.



С.П. Толстов фарази асосида С.У.Убайдуллаҳжаев лойихаси.

### АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ғайратдин Ходжаниязов “Қадимги Хоразм муҳофаа иншоотлари” Т-2007
2. МАМБЕТУЛЛАЕВ, 1977-Мамбетуллаев М.М. Рельефныш изображения Всадника на керамической фляге из Хумбуз тепе. СА. № 3. М., «Наука».
3. МАМБЕТУЛЛАЕВ, 1978-Мамбетуллаев М.М. Городище Большая Айбуйир кала. //ВКФ АН РУз. № 4. Нукус.
4. ТОЛСТОВ, 1958-Толстов С.П. Работы Хорезмской археолого-этнографической экспедиции АН СССР в 1949-1953 гг. //ТХАЭЭ. Т. 2. М., «Наука».
5. ТОЛСТОВ, 1959-Толстов С.П. Работа Хорезмской археолого-этнографической экспедиции в 1954-1956 гг. //МХЭ